



MILLIY TIKLANISH

12 (333)

2015 йил 25 март, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Конун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан сўз олган депутатлар партия позициясидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳазаларини билдиришди

2

ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ



Ёшларни миллий кадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимизга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш сайловолди дастурининг энг муҳим жиҳатларидан бири

4

САЙЛОВ — 2015



Мамлакатимизда Наврўз ҳар йили катта тантана билан нишонланар экан, ҳаётимизга янги нозар соламоқ, янги режалар тузиб, ушбу йилда эзгу орзу мақсадларимизнинг рўёбини тилаймиз

6

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Юзма-юз



Сирдарёлик сайловчилар билан мулоқот

фаол ҳамда қизгин савол-жавоб руҳида ўтди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов сайловолди ташвиқоти доирасида мамлакатимиз ҳудудларида 13 учрашув ўтказиб, унда 7 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этди. Шундай учрашувлардан яна бири Сирдарё вилоятида ташкил этилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари ва халқаро кузатувчилар қатнашди.

Учрашувни 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси Шукрулла Маматкулов очиб, 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловга мамлакатимизда катта ҳозирлик кўрилаётгани, уни қонун талаблари асосида, очиқ ва ошқора, транспарентлик руҳида, юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит муҳайё қилинганини таъкидлади.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили Норбобо Соатов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Акмал Саидов сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Халқимизнинг азалий орзуларини амалга ошириб, Мирзачўлни гулистонга айлантираётган меҳнатқаш, фидойи, бағрикенг, мато-

натли ва саховатли, кўпни кўрган, оғир синовларда тобланган вилоят аҳли вакиллари билан учрашишдан, сизларга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан ниҳоятда бахтиёрман, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов. — 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён бўлиб, унда партияимиз ўзининг қатъий белгиланган дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш учун миллий қонунлар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга таянган ҳолда фаол ҳаракат қилади, — деди нотиқ.

Президентликка номзод мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида муҳим вазифалар акс этган сай-

ловолди дастури ҳақида фикр юритар экан, етти устувор йўналишдан иборат мазкур сайловолди дастурда халқимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, бой маданияти ва аънаваларини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, мамлакатимизда замонавий ривожланган демократик ҳаёт барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, баркамол авлоднинг вояга етказиш, самарали ахборот-таълим маконини яратиш ҳамда халқаро муносабатларда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор устувор вазифалар белгиланганини алоҳида таъкидлади.

2-бет

Сайлов — 2015

Марказий сайлов комиссиясида учрашув

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси Арнис Цимдарс билан учрашувда мамлакатимизда сайловларни очиқ-ошқора, эркин ва адолатли ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларида фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширилишига, Ўзбекистоннинг демократия йўлидан изчил бориб, юксак марраларни эгаллашига замин яратмоқда.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) ги қонун сайловларни демократик, очиқ-ошқора ўтказиш, унда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолати бўлди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолиятига доир асосий принциплар конституциявий норма тарзида мустақкамлаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов кампанияси жараёнида Президентликка номзодларга тенг шароит ва имкониятлар таъминланмоқда. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг сайлов билан боғлиқ маълумотлар

билан танишиши учун барча имконият яратилган.

— Ўзбекистон сайлов тизими, сайлов қонунчилиги ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим, — дейди Арнис Цимдарс. — Сайловни юқори савияда ўтказиш учун барча тайёргарлик ишлари кўрилган.

Шу кун Марказий сайлов комиссиясида Ҳиндистондаги «Бхаратия Жаната» партияси мувофиқлаштирувчиси Вижай Жолли билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб бориши, унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши сайловларни демократик тарзда ўтказишга йўл очмоқда.

— Ўзбекистонда сайловларни халқаро демократик талаблар асосида ўтказиш учун барча ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган, — дейди Вижай Жолли. — Бунга ўтган йили декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтган сайлов жараёнини кузатиб амин бўлганман. Бу ҳақдаги ўз хулосаларимни «Ўзбекистон-Ҳиндистон: дўстлик, ривожланиш, юксалиш йўлида» рисола-сида баён этдим. Президент сайлови ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз. Сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда халқингизнинг фаоллиги шундан далolat бериб турибди.

Учрашувлар якунида меҳмонларга халқаро кузатувчи маконини берувчи мандатлар топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Сайловчилар ҳузурида

Холис, эркин ва фаол

учрашувларда номзоднинг сайловолди дастури қизгин тарғиб қилинмоқда

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Жойларда сиёсий партиялардан Президентликка кўрсатишган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Уларда номзодларнинг сайловолди дастуридаги муҳим устувор вазифалар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, ёшларни иш билан таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, жойларда миллий ҳунармандлик

турларини ривожлантириш, миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш каби йўналишлар бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмоқда. Бунда, айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларнинг мамлакатимиз келажаги учун масъуллик, ҳаётимиз фаровон-

лиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси яққол ўз ифодасини топаётди.

Сурхондарё вилояти Узун туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг ишончли вакили Сайфулла Турсунов билан бўлган учрашув ҳам жонли мулоқот ва қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтди.

4-бет

Фракция ҳаёти

Конун лойиҳалари муҳокамасида

ЎЗМТДП фракцияси аъзолари фаол қатнашмоқда

2-бет



«Milliy tiklanish»
газетасини

www.milliytiklanish.uz

сайтида ҳам ўқинг!

Жараён

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар самарасида миллий ва умумэтироф этилган талабларга жавоб берадиган мустақкам сайлов қонунчилиги яратилди. Бугун барча юрtdошимиз мамлакатимизда кечаётган муҳим жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори савияда ўтказиш бўйича олиб борилаётган тайёргарлик ишларидан тўла бохабар бўлиб, бу жараёнга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва катта масъулият билан ёндашмоқда.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига дахлдорлик

сайлов жараёнларида ўз аксини топаётир

5-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





Юзма-юз

Сирдарёлик сайловчилар билан мулоқот

фаол ҳамда қизгин савол-жавоб руҳида ўтди

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Номзод дастурида мамлакатимиз миллий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларнинг хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсад қилинган билан аҳамиятлидир. Сайловолди дастурда белгиланган барча йўналишдаги мақсад ва вазифаларга миллий кадрият, аъёна ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилган. Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий кадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитиш мақсадига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ижтимоий соҳада аҳолининг турмуш сифати ва фаровонлигини оширишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Мазкур тамойил Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш, улар учун уй-жой қурилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларни тизимли равишда давом эттириш ижтимоий соҳадаги вазифалар

Мамлакатнинг янгилиниш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун жамиятда бой маънавий-ахлоқий кадриятлар, юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Яқин келажақдаги бош мақсадимиз бу — миллий тикланиш гоёсини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий кадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

ЎзМТДПдан Президентликка номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастуридан

сирасига киради.

Президентликка номзод Акмал Саидов сайловолди дастуридаги ижтимоий йўналишдаги вазифалар сирдарёлик сайловчилар эътиборини тортди.

Президентликка номзод сайловолди дастурини баён қилар экан, аҳоли турмуш фаровонлиги ижтимоий соҳадаги асосий йўналишлардан бири эканлигига эътибор қаратди.

Номзоднинг сайловолди дастуридаги муҳим вазифалардан яна бири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш халқимиз дастурхонининг тўкин бўлиши, юртимиз бозорларини сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашнинг муҳим гаровидир. Сайловолди дастурда аҳолининг электрат қисми бандлигини хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандлик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш воситасида таъминлаш кўзда тутилган.

Дастурнинг ижтимоий соҳага қаратилган йўналишларида

йўловчиларга, жумладан, мамлакатимизнинг олис ва етиб

бориш қийин бўлган жойлари аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш, маданият муассасалари, мамлакатимизда илм-фани янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли

ёшларни жалб қилиш каби масалалар ҳам акс этган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазифаларини кенгайтириш, маҳаллада ижтимоий ишлар самарадорлигини ошириш, маҳалланинг ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, давлат бошқаруви

органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати таъсирчанлигини ошириш каби сай-ҳаракатларни фаоллаштириш масалалари ҳам шулар жумласидандир.

Йигилишда ЎзМТДП Ховос туман кенгаши раиси Рустам Бахриддинов Президентликка номзоднинг сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб, ундан ўрин олган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва халқаро йўналишларда белгиланган мақсад-вазифаларга мамлакатимиз миллий манфаатлари ва кадриятларимиздан келиб чиқиб ёндашилганига эътибор қаратди. Сайловчиларни 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида Акмал Саидов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Ўткир БҲУНОВ,

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида сиёсий партиялар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилди. Улар яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, электрат манфаатлари ҳамда партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳимоя қилиш борасида маълум бир йўлни босиб ўтди. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа саналган сайловларда сиёсий партияларнинг фаол иштироки фикримиз далили бўла олади. Партияимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки сиёсий тажриба ортириш, партия гоёларини янада кенг тарғиб қилиш, хайрихоҳларимиз сафини кенгайтириш имконини беради. Партияимиздан Президентликка номзоднинг сайловчилар билан учрашувида унинг партияимиз мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Нилуфар ЭРГАШЕВА,

халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастуридаги устувор тамойиллар сайловчилар эътиборини тортди. Хусусан, сайловолди дастурида жамиятнинг маънавий-ахлоқий асослари устуворлигини қарор топтириш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, маданий, тарихий ва интеллектуал меросимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёш авлодни миллий тикланиш гоёси ҳамда кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича белгиланган аниқ чора-тадбирлар гоё ва мафкура учун кескин кураш кетаётган бугунги глобализм даврида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фракция ҳаёти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Спикер ўринбосари, фракция раҳбари С.Отамуратов бошқарди. Йиғилишда қўйи палата мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб депутатлар "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди. Мазкур қонун лойиҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташишни амалга оширадиган барча турдаги транспорт воситаларида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлаш назарда тутилмоқда.

— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши йўловчиларга етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунда йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича харажатлар камайтирилиб, ташувчиларнинг мулкка нисбатан манфаатлари ҳимояси таъминланади, — деди фракция аъзоси Назир Собиров. — Ушбу қонун лойиҳаси янги иш ўринлари яратилиши, суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига имкон беради. Бу, ўз навбатида, электратимиз манфаатлари ҳимоя қилинишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасидан сўнг уни иккинчи ўқишда қўллаб-қувватлашди. Сўнг йиғилиш кун тартибидagi навбатдаги масала — "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширили-

Қонун лойиҳалари муҳокамасида

ЎзМТДП фракцияси аъзолари фаол қатнашмоқда



шини таъминлаш, уни назорат қилиш механизмини яратиш кўзда тутилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Баъзи ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш назарда тутилмоқда.

Иккинчи ўқишда депутатлар муҳокамасига тақдим этилган "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасида радиочастота ресурслардан фойдаланиш хавфсизлиги ва самарадорлигини ошириш, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши учун жавобгарлиқни кучайтириш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси юзасидан сўз олган фракция аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган миллий ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди.

"Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

— Мазкур қонун лойиҳаси судларга мурожаат қилишни соддалаштириш, фуқаролик судларида электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, шу

жумладан, судга ариза ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш тартибини ўрнатишни назарда тутди, — дейди фракция аъзоси Шерзод Тўхташев. — Электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилиши воситасида судларда иш юритишни янада такомиллаштириш имкони яратилади. Айни пайтда фуқаролик ишлар бўйича Зангиота туманлараро судида "Е-SUD" тизими муваффақиятли жорий этилган. Мазкур тизим электрон шаклда судга мурожаат қилиш тартиби, қарор нусхалари, суд қақурув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни юбориш вазифасини амалга оширади.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик суд ишларида тезкорлик ва қулайликни янада оширади, процесс иштирокчилари харажатлари ва суд чиммаларини камайтиради. Шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган идоралараро ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизими ва ресурсларини, айниқса, интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантириш, шу билан бирга, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари, сўз ва ахборот эркинлигига риоя этиш каби вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқий асос бўлади.

Шу нуқтаи назардан депутатлар маз-



кур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллашди.

Йиғилишда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Жиноат кодексининг 131-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасида шахвоний характердаги хизматлар кўрсатиладиган жойларнинг нафақа эгалари, балки ушбу жиноятнинг бошқа иштирокчилари ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, унинг қабул қилиниши қўшмачилик қилишни касбга ва ноқонуний даромад манбаига айлантириб олган шахслар ҳамда уларнинг жиноий шерикларига нисбатан жазонинг қучайтирилишига хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан сўз олган депутатлар партия позициясидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимиз маънавиятига зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишини эътироф этиб, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллашди.

Йиғилишда фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайлов — 2015

Муддатидан олдин овоз бериш

жараёни давом этмоқда

Мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи унда амал қилаётган сайлов тизимининг демократик тамойилларга нақадар асослангани билан узвий боғлиқ. Бу муҳим сиёсий воқеага кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли сифатида баҳо берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муқобиллик асосида мамлакатимиз Конституцияси, миллий қонунчилик ва халқаро принципларга мувофиқ равишда ўтказилмоқда. Энг юксак талабларга мос миллий сайлов қонунчилиги фуқаролар хоҳиш-иродасининг эркин билдирилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида санокли кунлар қолди. Бугун юртдошларимиз бу муҳим сиёсий жараёни зўр иштиёқ ва ҳаяжон билан кутишмоқда. Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари, сайловчилар билан учрашувларда фаоллик кўрсатишмоқда. Ҳар бир фуқаронинг сайловда иштирок этиб, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, барча фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари таъминлангани бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Айни кунларда Президент сайловидаги таъбирлар кўриш ва уни ўтказиш учун масъул бўлган участка сайлов комиссияларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча шароит муҳайё қилинган. Хусусан, жойларда бошланган муддатидан олдин овоз бериш жараёни қизгин давом этмоқда.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида муддатидан олдин овоз бериш тартиби билан боғлиқ нормаларга киритилган тегишли қўшимчаларга кўра муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланиб, бир кун қолганида якунланади. Бу жараёни ўтказиш округ сайлов комиссияси томонидан белгиланиб, бу ҳақда кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари хабардор қилинади. Округ сайлов комиссияларининг қабул қилган қарорига кўра, муддатидан олдин овоз бериш жараёни 19 март куни бошланиб, 27 март куни тугайди.

— Ортимишда ҳар бир фуқаронинг сайлов ҳуқуқи кафолатлангани ҳамюртларимизни сайловга масъулият билан муносабатда бўлишга ундамоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 73-участка сайлов комиссияси раиси Қувватбой Ниёзов. — Сайлов кун маълум бир сабабларга кўра ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган, сафарга, дам олиш ёки даволаниш масканларига йўл олаётган фуқаролар муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу жараён давом этмоқда. Хусусан, 73-сайлов участкасига бириктирилган ҳудуд фуқароси Гулзор Ҳайитметова сайлов кун сафарга чиқиш муносабати билан муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқини таъминлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Сайловчининг

мурожаати ўз вақтида ҳал қилиниб, муддатидан олдин овоз беришга имконият яратилди.

Қонунчиликка биноан, сайлов кунни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчининг муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи кафолатланган. Бунда сайловчиларнинг бошқа маъмурий ҳудудга ёки хорижга кетаётгани тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак. Шундан сўнг сайловчи сайлов варақаси берилиб, у махсус жиҳозланган яширин овоз бериш хонасида тўлдирилади. Фуқаро қарор қабул қилиб бўлгач, тўлдирилган сайлов варақаси имзоланиб, муҳрланган конвертда участка сайлов комиссиясида қолдирилади.

Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари муддатидан олдин овоз бериш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадига барча чора-тадбирни амалга оширмоқда. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси тасдиқланган сайлов варақалари тегишли тартибда сайлов участкаларига етказилган.

— Муддатидан олдин овоз бериш жараёни ҳақида ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши сайлов штаби аъзоларидан маълумот олдим, — дейди Лилия Носирова. — Сайлов кун сафарга чиқишим керак. Шу боис бу ҳақда сайлов штабига мурожаат қилдим. Штаб аъзоларининг тушунтиришларидан сўнг сайлов участкасига келиб, муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқимдан фойдаландим. Сайлов участкасида сайловчилар учун барча шароит яратилган. Муддатидан олдин овоз бериш жараёни ҳақидаги рисола ва адабиётлар билан танишиб, тасаввурларим янада ойдинлашди. Таъкидлаш жоиз, сайловда овоз бериш орқали мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшишга мушарраф бўлаётганимиздан бениҳоя мамнунман.

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 260 сайлов участкаси тузилган. Барча сайлов участкасида фуқароларнинг муддатидан олдин эркин овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилган. Сайловчилар рўйхати кўринарли жога илгари. 8-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг муддатидан олдин овоз бериш борасидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, сайловчилар хабардорлиги таъминланди.

— Аввало, шуни айтишим керакки, мамлакатимизда Конституция билан кафолатланган демократик сайлов тизимини яратилди ва у замон талаблари асосида такомиллаштириб борилаётди. Сайлов участкасига келиб, муддатидан олдин овоз бериш тартиби борасида тўлиқ маълумотга эга бўлдим, — дейди сирдарёлик сайловчи Гулжаҳон Пирназарова. — 19 мартдан бошланган бу жараён 27 мартгача, ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача давом этиши сайлов кун овоз бериш имконига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари тўла таъминланишига хизмат қилади. Муддатидан олдин овоз бериш жараёни очик ва ошқора, адолатли тарзда амалга оширилмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда сайловнинг юксак даражада очик ва ошқора, транспарентлиги руҳида, фуқаролар фаоллигида ўтказиш учун барча асос мавжуд. Бу муддатидан олдин овоз бериш жараёнида ҳам тўла акс этаётди. Юртдошларимиз мамлакатимиз келажиги ва тараққиёти, фарзандларимиз бахту икболи учун овоз бермоқда.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ!



2015 йил 29 март, якшанба – ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
НОМЗОД АКМАЛ САИДОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



● Депутат минбари

Очиқлик ва ошкоралик

сайлов жараёнининг бош мезони

Хар бир мамлакатнинг демократик давлат сифатидаги нуфузи сайлов тизимининг очиқлиги ва адолатлилиги билан ҳам ўлчанadi. Чунки сайлов — ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаси, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шаклидир.

Мустақиллик йилларида миллий сайлов тизимини ривожлантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Миллий қонунчилигимизда ифодаланган кўппартиявийлик, муқобиллик асосида фуқароларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бериш йўли билан сайлашнинг демократик асослари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади. Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган ҳар бир сайлов жараёнини халқаро ҳамжамят катта қизиқиш билан кузатиб, ўрганоқда. Хусусан, Жорж Вашингтон университети (АҚШ), Халқаро сиёсий тадқиқотлар институти (Италия), Шанхай хорижий тиллар университети (ХХР), Сайлов тизими халқаро экспертлик маркази (Исроил) ва бошқа кўплаб ташкилот ҳамда муассасалар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар ҳақида ўз электрон порталларида мунтазам тарзда материаллар бериб бораётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

29 март кунини мамлакатимизда ўтказиладиган Президент сайловига тайёргарлик ишлари очик-ошкора, адолатлилиги, транспарентлик руҳида давом этмоқда. Зеро, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан очик ва ошкора амалга оширилиши белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, сайлов жараёнининг барча иштирокчисига ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси даврида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарорига асосан номзодлар жойларда сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлмоқдалар. Уларнинг ҳудудлардаги ишончли вакиллари аҳоли билан учрашувларини давом эттирмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Президентликка номзод Акмал Саидов мамлакатимизнинг барча ҳудудиди сайловчилар билан учрашиб, ўз сайловолди дастурида илгари сурилган муҳим йўналишлар ҳақида батафсил маълумот бермоқда. Номзоднинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги устувор ғояларни ўз ичига олган мақсад-вазифаларни кўпчиликлари манзур бўлиб, аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан хабардорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Очиқлик, ошкоралик тамойиллари борасида тўхталганда, сайлов комиссиялари фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Зеро, сайлов комиссиялари ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутиб, фуқароларни ўз фаолияти, сайлов округи ва участкалари тузилганлиги, уларнинг таркиби, жойлашган ери ва иш тартибидан воқиф этади. Шунингдек, комиссиялар сайловчилар рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати, номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан аҳолини хабардор қилади.

Сайлов жараёнларида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутди. Ҳозирда тобора яқинлашаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини изчил ёритиш ҳамда бу борадаги миллий қонунчилигимизни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, нодавлат оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси таркибига кира-

диган ахборот воситалари ва ахборот-таҳлил интернет-нашрлари фаол иш олиб бормоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази хузурида ҳам шундай матбуот марказлари фаолият кўрсатаётгани очиқлик ва ошкоралик принципларининг амалдаги ифодасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури"да қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий механизмлар акс эттирилган. Мазкур дастур асосида амалга оширилаётган ишлар ҳамда жараён ҳақидаги кундалик маълумотлар Марказий сайлов комиссиясининг интернетдаги расмий веб-сайтида мунтазам ёритиб борилаётгани аҳолининг сайлов борасидаги хабардорлигини янада оширмоқда.

Қонунчилигимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирлар, хусусан, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунини овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда кузатувчилар иштирок этиши мумкинлигининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилгани бу сиёсий жараённинг шаффофлигини таъминлайди. Шу кунларда Ўзбекистон Президентини сайловда иштирок этиш учун маҳаллий кузатувчилар билан бир қаторда, кўплаб халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлардан кузатувчилар рўйхатдан ўтмоқда. Айни пайтда 40 дан ортиқ давлатдан 300 дан зиёд халқаро кузатувчи сайловда иштирок этмоқда.

1994 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига депутатлик сайловида ўн икки мингдан зиёд маҳаллий, хорижий давлат ва халқаро ташкилотлардан қарийб юз нафар кузатувчи

қатнашган бўлса, 2014 йил декабрида бўлиб ўтган парламент сайловида улар сони сезиларли даражада кўпайди. Унда 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва 340 дан зиёд чет эллик кузатувчи, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонда муқаммал сайлов тизими яратилгани, парламент сайлови ҳам ана шундай юксак савияда, очиқлик ва ошкоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтганини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига халқаро ҳамжамят катта қизиқиш билдираётгани инobatга олинган ҳолда турли мамлакатларда давра суҳбатлари, брифинглар ташкил этилмоқда. Хорижий оммавий ахборот воситаларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови ҳақидаги ахборот материаллари чоп этиб борилаётган. Бу мамлакатимизда ўтказиладиган муҳим сиёсий жараённинг транспарентлигидан яққол далolatдир.

Сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос, эътиборга молик хусусиятлари кўплаб хорижий мамлакатларда экспертлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, сайловларни ўтказишни ташкиллаштирувчи ва уни мувофиқлаштирувчи мустақил орган — Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши ҳамда унинг конституциявий ҳуқуқий мақоми қонунчиликда белгиланади. Айни пайтда бундай органнинг тузилиши сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш ва сайловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, сайлов жараёнининг миллий қонунчилигимиз талаблари, умумэтироф этилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда, очиқ ва ошкора тарзда ўтказилиши мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда яна бир янги қадам вазифасини ўташи шубҳасиз.

Мухтабар ХУСАНОВА,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

● Сайлов штабида

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудиди Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмақда. ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгашида ташкил этилган сайлов штаби ҳам мазкур муҳим сиёсий тадбирда партия барча бўғинининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпти.



Сайловга пухта тараддуд

Сайлов штабида сайловолди ташвиқотини талаб даражасида, миллий қонунчилигимиз ва халқаро меъёрларга мос тарзда ташкил этиш учун барча шарт-шароит ва имконият яратилган. Сайлов штаби сайловларнинг ҳуқуқий асосларини тўла ёритиб берувчи барча қонун ҳужжатлари билан таъминланган. Вилоятдаги аҳоли гавжум жойларга ташвиқот баннерлари жойлаштирилган, 461 сайлов участкасининг барчасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури акс этган рисола, партия наشري — "Миллий тикланиш" газетаси ва бошқа ташвиқот материаллари мавжуд. Шу билан бирга, ушбу рисола партия фаолларига ташвиқот учун тарқатилди.

Маълумки, сайловнинг натижасида сайловолди ташвиқоти муҳим ўрин тутди. Шу боис бу жараёнда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишимиз, — дейди партия вилоят кенгаши матбуот котиби Мухаббат Тўрабоева. — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов ва унинг ишончли вакили, партия вилоят кенгаши раиси Баҳодир Бобожоновнинг сайловчилар билан ўтказган учрашувлари республика, вилоят ва маҳаллий телеканаллар, газеталар орқали батафсил ёритилди.

Сайлов кунини сайлов участкаларида партия номидан иштирок этувчи кузатувчилар гуруҳини шакллантириш ва уларнинг ҳуқуқий билимларини юксал-

тириш штаб зиммасидаги муҳим вазифалардан саналади. Шу боис штаб томонидан партия фаолларидан иборат 446 нафар кузатувчи гуруҳи шакллантирилиб, уларга 12-Хоразм округ сайлов комиссияси томонидан тегишли мандат берилди. Бундан ташқари, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кузатувчиларни сайлов қонунчилиги билан яқиндан таништириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари юзасидан амалий семинарлар ташкил этилди.

Сайлов ҳуқуқларига тегишли умумэтироф этилган принципларни рўйба-рўй чикаришнинг муҳим шартини ва кафолатини — бу сайловларда миллий ҳамда халқаро кузатувчиларнинг иштирокини таъминлаш, — дейди партиядан кузатувчи Баҳодир Жуманиёзов. — Мамлакатимиз қонунчилигида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилиши белгиланиб, бу жараёнларни маҳаллий ва халқаро кузатувчилар бевосита кузатиб бориши кафолатланган.

Мухтасар айтганда, вилоят партия ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини муносиб тарзда ўтказиш учун барча имконият ишга солинмоқда. Бу эса сайловнинг юксак даражада, очик ва ошкора, адолатли ўтиши, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошириб бораётганини яна бир бор намоён этишни таъминлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайловчилар хузурида



Холис, эркин ва фаол

учрашувларда номзоднинг сайловолди дастури қизгин тарғиб қилинмоқда

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Тадбирда тиббиёт ва таълим муассасалари ходимлари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда партиянинг фаол ёшлари иштирок этди.

Дастлаб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Сайдулла Абдураимов сўзга чиқиб, сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли, ишончли вакил эса сайловолди дастури мазмун-моҳияти билан таништирди.

— Дастурда белгиланган ижтимоий-сиёсий соҳадаги вазифалар сайловчиларни бефарқ қолдирмайди, — деди ишончли вакил. — Жумладан, дастурда миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий-маънавий асослари устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда маҳалла институтини янада тақомиллаштириш, нодавлат нотихорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш каби вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Асосий мақсадимиз ва шioriимиз миллий тикланиш орқали замонавий ривожланган демократик давлат сари интилишдир.

Маҳалла жамиятимизда маънавий-маърифий қадриятлар, соғлом турмуш тарзи фалсафасининг қарор топиши, баркамол авлодни тарбиялаш, жойларда таълим, аҳоли бандлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга катта ҳисса қўшаётди. Маҳалла институти фаолиятини янада ривожлантириш, унинг ваколатларини кенгайтириш, маҳаллани том маънодаги аҳолининг таянчи ва суянчига айлантириш номзод сайловолди дастуридаги энг муҳим вазифалардан биридир. Ушбу мақсад-вазифа мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, қадриятларимиз бешиги бўлмиш маҳалланинг нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, маҳалла тизимининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлашнинг навқирон авлодининг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таълим тизимининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Зотан, азал-азалдан маҳалла тарбия маскани сифатида эътироф этиб келинган. Бундан ташқари, маҳалланинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айланиб бораётгани аҳолининг турмуш фаровонлигини ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан "Боботонгон" газетаси муҳбири Зарина Қурбонова, Узун туман қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Музаффар Абдушукуров номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифалар мамлакатимиз эртанги кўни учун ғоят муҳим эканини қайд этиб, сайловда Акмал Саидов номзодини қўллаб-қувватлаб овоз беришга қачқирдилар.

— Жойларда ўтказилаётган сай-

ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилишни асосий вазифалардан, деб ҳисоблаймиз.

(ЎЗМТДПдан Президентликка номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастуридан).

муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида ахборот алмашинуви тезлашиб, интернет имкониятлари кенгайган бир шaroитда бу вазифа ҳар бир миллат учун ҳаёт-мамонт масаласига айланмоқда. Номзоднинг сайловолди дастурида ана шу муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, дастурда ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий урф-одат ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга ҳам урғу берилган. Бу навқирон авлодни ватанпарвар бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади. Учрашув якунида ЎЗМТДП Янгир шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Бердиёр Латипов, Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Шерзод Нурматов сўзга чиқиб, Акмал Саидов дастурини қўллаб-қувватлашга қачқирдилар.

— Юртимиз бой тарих, ноёб маданий меросга эга. Бу эса мамлакатимизда ҳали улкан салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш, юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради, — деди Президентликка номзоднинг Самарқанд вилоятидаги ишончли вакили, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаев Пастдарғом туманида бўлиб ўтган сайловчилар билан учрашувда. — Номзоднинг сайловолди дастурида мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш бўйича мақсад-вазифаларнинг белгилангани юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз сингари шаҳарларимизга жаҳон сайёҳлари эътиборини тортиш, улар оқимини янада қўлайитириш бугунги кўннинг энг муҳим вазифаларидан.

Таъкидлаш керак, истиқлол йилларида мамлакатимизда туризм соҳаси жадал суръатлар билан ривожланди. Ўтган қисқа давр мобайнида соҳани тарбияга солувчи зарур меъёрий-ҳуқуқий асос яратилди. Сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш, миллий қадриятларни қўрачигидек асраб-авайлаш, тарихий-маданий мерос объектларини қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг миқёсли чора-тадбирлар тизими равишда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳўкм сураётган тинчлик ва осийишатилик, ғўзал табииатимиз, бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз сайёҳлик ривожига муҳим омил бўлмоқда.

Яна бир муҳим омил транспорт хизмати. Юртимизга келган сайёҳлар қадимий шаҳарларимизга автомобиль, темир ва ҳаво йўллари орқали етиб боришлари мумкин. Ўтган қисқа давр мобайнида сайёҳларга қўлайлик яратиш мақсадида Испаниянинг "Тальго" компанияси ишлаб чиқарган юқори тезликда юрвчи "Афросиёб" поездди Тошкент-Самарқанд йўналишида хизмат кўрсата бошлади. Яқин вақтларда ҳудуди шундай замонавий поездлар Бухоро шаҳрига ҳам етиб боради. Фарғона водийсига довол орқали темир йўл ўтказилиши сайёҳлик маршрутларини янада кенгайтиради. Шунингдек, Бухорога "Шарк", қадимий шаҳарларимиздан яна бири Қаршига "Насоф" тезюрар поездларининг қатнови йўлга қўйилгани сайёҳларга қатор қўлайликлар яратмоқда. Бундан ташқари, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси "Ўзбектуризм" билан ҳамкорликда бир нечта қўшма лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон тарихий қадамжолари қўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Бу юртимиздаги мавжуд бебаҳо тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, очик осмон остидаги музейлар, ўзига хос бетакдор экзотизмларимиз ҳақида қўпроқ маълумот беришимиз, замонавий сайёҳлик менежментини янада ривожлантиришимиз кераклигини аналтади.

Номзоднинг сайловолди дастурида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган мақсад-вазифалар юртимизда янада обод гўша-ларнинг қўлайиши, сервис хизмати тубдан яхшиланиб, янги сайёҳлик йўналишлари очилиши ва қўшимча иш ўринларининг яратилишида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширади. Учрашувда сўзга чиққан халқ депутатлари Пастдарғом туман кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар Муқаддасхон Тиллаева ва Абдуҳўлик Абдумуродов номзод дастуридаги мақсад-вазифалар мамлакатимизнинг эртанги порлоқ келажаги учун хизмат қилишини таъкидлаб, сайловчилар-

ни унинг дастурини қўллаб-қувватлашга қачқирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастури Тошкент вилоятида ҳам қизгин ва фаол тарғиб қилинмоқда. Чиноз туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабида номзоднинг ишончли вакили билан бўлиб ўтган учрашув фикримизга яққол далил бўла олади.

— Ёшларни миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга чўқур ҳўрмат руҳида тарбиялаш сайловолди дастурининг энг муҳим жиҳатларидан бири, — деди номзоднинг Тошкент вилоятидаги ишончли вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Тоирхон Мансуров. — Номзод бу йўналишда нафақат таълим муассасалари, балки ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг ролини янада кўчайтиришни тақлиф этаётди. Зотан, миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида шаклланган маҳалла азал-азалдан тарбия маскани ҳам ҳисобланган. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, яшаш тарзимиз оилаларимиздаги маънавий муҳит ва фарзандлар тарбиясини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ қўллаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойитиб боришмоқда. Номзоднинг мазкур мустақил институт фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мақсад-вазифалари миллий қадриятларимиз ва демократик принциплар билан ҳаммоҳам. Чўнки ўзини ўзи бошқариш органи ваколатларини кенгайтириш фуқаролик жамиятининг энг муҳим талабларидан биридир.

Юртимизда ёшларни спорт ва жисмоний тарбия билан шўғулланишга кенг жалб этиш баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Шу маънода сўнгги йилларда маҳалла йирки спорт мусобақалари ўтказиладиган марказга ҳам айланмоқда. Спорт турлари бўйича ақсарият туман, шаҳар, вилоят ва республика биринчиликлари қишлоқларда бунёдотлаётган спорт иншоотларида ташкил этиляпти. Бундай тажрибанинг оммалашиб бораётгани қишлоқда яшаётган ўғил-қизларнинг спортга қизиқишини ошираётди. Ёшларни спорт тўғрақларига янада кенгроқ жалб этмоқда. Натижада, қишлоқлардаги

гаши раиси ўринбосари Феруза Хайтова йиғилганларни партиядан кўрсатилган номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Шундан сўнг ишончли вакил — Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлари доктори Феруза Мўхитдинова сайловчиларни номзоднинг сайловолди дастури билан таништирди.

— Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш энг муҳим масалалардан биридир, — деди ишончли вакил. — Бу, ўз навбатида, миллий ҳуқуқий тизим етуқлигининг кўрсаткичи ҳам ҳисобланади. Мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада тақомиллаштириш Конституция ва инсон ҳуқуқлари ҳамада демократия асосларини ўз-луксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни қўриш, жиний қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жинийларни дикриминализациялаш сиёсатини босқичма-босқич давом эттиришни талаб этади. Оила, мерос, уй-жой даъволари ва маийий турмушда учраб турадиган айрим низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўллари-ни излаш, фуқароларимизнинг суд мажлислари билан овора бўлиб қолмасликларини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органилари, нодавлат нотихорат ташкилотлари изматидан унумли фойдаланиш зарур. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамиятини ошириш, давлат бошқаруви органилари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим восита вазифасини ўтайди. Номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган ана шундай мақсад-вазифалар халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалдаги яна бир намоийишидир.

Номзоднинг суд-ҳуқуқ соҳасида илгари сураётган ғоялари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг қадру-қиммати, шахсий дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Дастурда белгиланган оила, мерос, уй-жой даъволари ва маийий турмушда учраб турадиган айрим низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш мақсад-вазифасида миллий



бундай масканларда катта спортга илк қадамларини қўйган ёшлар орасидан қўллаб халқаро мусобақалар гоилилари етишиб чиқяпти. Акмал Саидовнинг сайловолди дастури шу соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштириш, Ватанимиздан етишиб чиқаётган ёш истеъодлар сонининг қўлайиши ва бу орқали юрт истиқболи, эл манфаатига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Учрашувда Чиноз туман кенгаши депутатлари Машхура Абдурахмонова, Барно Умарова, Бахриддин Қудратов номзоднинг сайловолди дастури юзасидан сўзга чиқиб, 29 март кўни бўлиб ўтадиган Президент сайловида Акмал Саидов номзодини қўллаб-қувватлаб овоз беришга қачқирдилар.

Пойтахтимиздаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ташкил этилган учрашув ҳам сайловчилар фаоллиги остида ўтди. Тадбирни 14-Тошкент шаҳар сайлов округи комиссияси аъзоси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Жўрабой Собиров олиб борди ва сайлов қонунчилиги, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг муҳим сиёсий жараёндаги иштирокининг ҳуқуқий асослари хусусида тўхталди. ЎЗМТДП Мирзо Улўғбек туман кен-

қадриятларимиз, андиша ва гурур сингари ўзбекона қадриятлар ўз ифодасини топган. Одатда, бу каби низолар маҳалладаги ёши улўғ, қўлни кўрган нуруний отахонларнинг маслаҳатлари билан ҳал этилган.

Учрашувда сўзга чиққан ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Даврон Сафаров номзоднинг сайловолди дастуридаги ана шу жиҳатларга эътибор қаратиб, сайловда Акмал Саидов номзодига овоз беришга қачқирди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ЎЗМТДПдан номзод Акмал Саидов ишончли вакилларининг учрашувлари ҳар қандай расмийчиликдан ҳоли, жонли мулоқот тарзида ташкил этилмоқда. Сайловчилар қайси йўналиш бўйича фикр-мулоҳазасини билдирмасин, бир жиҳатини — номзод илгари сураётган ғоя, мақсад ва вазифаларга миллий қадрият ва анъаналаримиз, Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилганини таъкидлашмоқда. Бу эса партияимиз Ҳаракат дастурининг мазмуни — "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" тамойилини ҳаётга самарали таъбиқ этишини муҳим омилдир.

Хасан САЛОМОВ,
"Milliy tiklanish" муҳбири

Жараён

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига дахлдорлик

сайлов жараёнларида ўз аксини топаётир

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Ёшми, кексами, ҳар бир фуқаро мамлакат раҳбарини сайлаш жараёнига жиддий ва онгли равишда муносабат билдирмоқда. Телевидение, радио, матбуот, интернет нашрлари, ташқи рекламалар орқали сайловга оид бериб борилаётган ахборот ва маълумотларни диққат билан кузатиб боришяпти.


Ҳамюртларимиз сиёсий партиялардан Президентликка кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурларини муҳокама қилиб, ўзаро фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқда. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари билан бўлаётган юзма-юз мулоқотларда фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволлари билан муносабат қилишяпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ҳамда сиёсий партияларнинг мар-

казий ва ҳудудий ташкилотларига, уларнинг интернетдаги веб-сайтларига муносабат қилиб, сайлов қонунчилиги, сайлов кампаниясининг бориши, номзодлар ҳақида маълумотлар олишяпти. Фуқароларнинг бу каби саъй-ҳаракатлари, сайлов жараёнига масъулият билан муносабатда бўлаётгани уларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданияти юксалаётганидан, мамлакат келажиги ва ўз тақдирига бефарқ эмаслигидан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимизнинг янги тарихида гоят муҳим иқтимоий-сиёсий воқеадир. Сайловолди ташвиқоти ишлари якунланиб бораётган шу кунларда турли касб эгалари бўлган фуқароларнинг ўшбу жараён ҳақидаги фикрлари, сайловга тайёргарлик, номзодларнинг, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Президентликка номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастуридан қай даражада бохабар эканликлари ва унда илгари суриллаётган мақсад-вазифалар, гоялар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Сирожиiddин САРИМСОҚОВ,
педагог, ЎзМТДП Наманган туман кенгаши таркибидаги БПТ раиси:

сайлов кунини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб, ўз сайлов ҳуқуқини амалга ошириш орқали юрт тақдир ва келажигига муносиб ҳисса қўшишга тайёр эканлигини қувонарлидир.

Абдулло НАРЗУЛЛАЕВ,
хунарманд, Бухоро вилояти:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг умумий позицияси маънавий-маърифий ислохотларни чуқурлаштириш, миллий-маънавий тикланиш жараёнларида фаол

иштирок этишга қаратилган билан бошқа партиялардан ажралиб туради. Жумладан, партия халқимизнинг ноёб ва бебаҳо маданий мероси, тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, авлодларга бус-бутун етказишга ҳар томонлама кўмаклаштиришнинг устувор вазифаларидан деб билади. Бу мақсадлар ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида ҳам алоҳида ўрин эгаллагани эътиборимни тортди. Чунки

миллий-маънавий юксалиш, тарихимизни ҳолис, ҳаққоний ва тизимли ўрганиш миллиятимизнинг умумий қисми бўлиши шарт. Мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ турли давр ва тамаддулларнинг меъморчилиги ва санъат ёдгорликлари жойлашган. Улардан 140 таси ЮНЕСКО томонидан қўрилган тарихий обидалар таркибига, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхатида киритилган. Бундан ташқари, узок тарих-

га эга юртимизнинг ҳали тўла ўрганилмаган, илмий тадқиқот ва изланишларни талаб этадиган тарихий манзиллар, маданий қатламлари анча. Шу нуқтаи назардан номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастурида бу борада илгари суриллаётган мақсад-вазифалар ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан долзарб ҳисобланади. Номзоднинг мамлакатимиз эришган ютуқларини мустаҳкамлаб, янги марраларни эгаллашга хизмат қиладиган сайловолди дастурини қўллаб-қувватлайман.

Бехрўз КАРИМОВ,

"Камолот" ЁИХ Сурхондарё вилоят Кенгаши қошидаги Ёшлар маркази ходими:



қилиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза этиш каби мақсадлар ёшларни бефарқ қолдирмаяпти. Зеро, буларнинг барчаси ёшларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга замин яратади.

Муборак АБДУЛЛАЕВА,
Урганч шаҳар 1-оилавий поликлиника мудариси, халқ депутатлари
Урганч шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Бугун ҳар бир ватандошимиз Президент сайловида катта қизиқиш билан қараб, номзодларнинг сайловолди дастури билан чуқур танишмоқда. Номзодлар илгари сураётган мақсад-вазифалар мазмун-моҳиятини теран англаган ҳолда фикр билдирмоқда. Бунга партиямиздан номзод Акмал

Саидовнинг вилотиимиздаги сайловчилар билан учрашувида яна бир бор амин бўлди. Учрашувида номзоднинг сайловолди дастуридаги ҳар бир йўналиш бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилиниб, эътиборга молик жиҳатлар эътироф этилди. Мен ҳам соғинади сақлаш тизими вакили сифатида номзоднинг ижтимоий йўналишдаги қатор мақсад-вазифаларини қўллаб-қувватлайман. Аҳоли турмуш силовати, даражаши ва фаровонлигини оширишни бош вазифалардан бири сифатида илгари сураётган Акмал Саидов ўз сайловолди дастурида бу борада аниқ мақсадларни белгиллаган. Яъни,

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва

хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун юртимиз фуқаролари олдимизда турган муҳим жараёнга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрган ҳолда шай туришибди. Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурида илгари суриллаётган мақсад-гоялар ва вазифалардан, уларнинг моҳиятидан тўла бахбардор. Бу бўлажак сайловда ҳар бир сайловчилнинг ўз фуқаролик позициясини эркин намойён этишига ёрдам беради. Демак, арафада турган муҳим сиёсий жараёнда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлигига ўзини дахлдор сезган миллионлаб ҳамюртларимиз фаол иштирок этади.

бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш каби мақсадлар турли касалликларнинг олди олинишида, аҳоли саломатлиги янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутаяди.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Интервью

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига санокли кунлар қолди. Ҳозирда барча ҳудудда сайловга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Юксак демократик талабларга жавоб берадиган миллий сайлов тизимининг яратилгани мазкур муҳим сиёсий тадбирни ўтказишда сайлов комиссиялари ўрнини янада мустаҳкамлади. Айни пайтда мамлакатимизда бу институт яхлит тизим сифатида шакллантирилди. Сайловга тайёргарлик жараёнида эса комиссиялар ўз фаолиятини амалдаги қонунарга мувофиқ, очик-ошкора амалга оширмоқда.

Жараёнга тайёргарлик ишлари

адолатлилик, коллегиялик ва ошкоралик муҳитида давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Абдуманноп МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз ҳудудий сайлов комиссияларининг Президент сайловида қай даражада тайёргарлик ҳусусида бўлди.

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси конституциявий орган мақоми берилгани сайловларнинг янада демократлашуви, очик ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашда муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун МСКнинг фаол ва самарали ишлаши яна қандай омилларга боғлиқ, деб ўйлайсиз?

— Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов жараёнларини демократлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакатимизда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишларига замин яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тизилиши белгиланган бўлиб қўйилди. Унинг фаолияти асосий принциплари мустақиллик, қонунчилик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат. Марказий сайлов комиссияси конституциявий орган мақоми берилиши, умуман, мамлакатимиз Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар миллий сайлов тизимининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг равишда янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари маҳаллий кенгашилари сессияларида тавсия этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланади. Комиссия аъзолари таркибига мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар киритилиши сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида жойлардаги округ ва участкалар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий-методологик ёрдам беради.

Марказий сайлов комиссияси конституцион мақом берилиши, сайлов тадбирларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, бу жараёнларнинг очик ва ошкоралигини таъминлаш бўйича яратилган қонунчилик тизими нафақат маҳаллий ҳуқуқшунослар, балки дунё ҳамжамияти экспертлари томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда.

— Айни пайтда Президент сайловини ўтказувчи комиссиялар ўшбу муҳим сиёсий

тадбирни ўтказишга қай даражада шай?

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан, мамлакатимизнинг барча ҳудудидан округ сайлов комиссиялари тузилиб, айни пайтда, мустақиллик, қонунчилик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосида иш олиб бормоқда. Қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9058 участка сайлов комиссияси тузилди. Участка сайлов комиссиялари фаолиятига 90 мингга яқин киши жалб қилинган.

Сайлов кампанияси эълон қилингандан буён ўтган давр мобайнида участка сайлов комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида округ сайлов комиссияси аъзолари туман ва шаҳарларга бириктирилган муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури"дан келиб чиқиб, аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида 23-28 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий семинарлар ўтказилди. Маҳаллий семинар-тренинглар эса 3-13 март кунлари туман ва шаҳар марказларида бўлиб ўтди.

Айни пайтда участка сайлов комиссиялари мuddатидан олдин овоз бериш жараёнини ўтказмоқда. Мuddатидан олдин овоз берадиган сайловчиларнинг ҳуқуқларини рўйбга чиқариш мақсадида ҳудудлардаги барча сайлов участкасида зарур тадбирлар амалга оширилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган сайлов варакалари тегишли тартибда сайлов участкаларига етказилди. Мuddатидан олдин овоз берадиган сайловчилар учун участкаларда барча қулайлик яратилган. Шу билан бирга участка Президентликка номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ва сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. Округ сайлов комиссияларининг қабул қилган қарорига кўра, мuddатидан олдин овоз бериш мамлакатимизда 19 март куни бошланиб, 27 мартда якунланади.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро кузатувчилар миссияси вакиллари ҳам сайлов участкалари, маҳаллалар, турли ташкилот ва муассасаларда бўлиб, муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнини бевосита кузатишмоқда. Айни пайтда 40 дан ортиқ давлатдан 300 дан зиёд халқаро кузатувчи сайловда иштирок этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўшбу муҳим сиёсий тадбирни ўтка-

зишга масъул бўлган участка сайлов комиссияларида фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришлари учун барча шарт-шароит яратилди.

— Муқобиллик ва тенглик тамойилларига мувофиқ давом этаётган сайловолди ташвиқоти давридан сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари қай даражада фойдаланмоқда?

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини кучайтирмоқда.

Юртимиздаги мавжуд тўрт сиёсий партия Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловолди ташвиқоти бошланган эди. Ҳар бир сиёсий партия ўшбу муҳим фурсатдан унумли фойдаланиб, сайловолди ташвиқотини амалга оширмоқда.

Сайловолди ташвиқоти даврида номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини сайловчиларга етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле-радиоканалларида 900 дақиқада эфир вақти берилди. "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" нашрларида 10 саҳифагача нашр майдони берилди. Ўшбу материаллар ҳудудий нашрларда ҳам эълон қилинди. Шунингдек, партия нашрлари ўз номзодини тарғиб этувчи ҳар қандай ҳажмдаги тегишли материалларни чоп этиш ҳуқуқига эга.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилмоқда. Сайловолди ташвиқоти жараёнида партиялар жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги ва электроти манфаатларини ҳимоя қилиш учун бугунги кунда аниқ позициялари шаклланигани намойён этмоқда. Барча сиёсий партия сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувлар, оммавий ахборот воситаларидан ажратилган эфир вақти, нашр майдонидан унумли фойдаланиб, ўз дастурий мақсад-вазифаларини очик-ошкора, тенглик принциплари риоя қилган ҳолда аҳолига етказиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини янада юксалтиришга, ҳар бир сайловчида "давлат бошқаруви фаолиятида менинг ҳам муносиб ҳиссам бор", деган онгли муносабатнинг шаклланишига хизмат қилади.

PS: Ўрни келганда айтиш керакки, партиямиздан кўрсатилган номзод Акмал Саидов ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудидан учрашувлар ўтказди. Номзод ва унинг ишончли вакиллари билан бўлиб ўтаётган учрашувлар сайловчилар эътиборини қозонмоқда. Аниқсика, номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган ёшларни миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг қўламли ишларни изчил давом эттириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш борасидаги мақсад-вазифалар кўпчиликлда қизиқиш уйғотмоқда.

"Milliy tiklanish" мухбири
Умида УЗОКОВА
суҳбатлашди

Наврўз — қадимий ва боқий байрам

унда халкимизнинг орзу-умидлари, турмуш тарзи ва миллий руҳи акс этади



Озод ва обод юртимизга янгиланиш ва яшариш, саховат ва эзгулик айёми Наврўзи олам кириб келади. У бизни табиатга янада яқинлаштиради. Айниқса, Наврўз қадрияти билан кўклам таровати қалбларимизга янада чуқурроқ сингади. Наврўз — янги кун демек. Бу кун олам ва одам қалби янгиланади, эзгулик ва бунёдкорлик руҳи жўш уради. Кун билан тун тенглашади, моҳиятан қалблардаги туйғулар бирлашади, гина-қудуратлар унут бўлади, ўзаро меҳр-оқибат улашади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб миллий ўзликини англасан, бебаҳо маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш асносида Наврўз байрами ҳам аслига қайтди, янгича маъно-мазмун касб этди. Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб, унинг замиридаги бадий-эстетик қадриятлар, урф-одатлар, эзгу одатлар, кўкларнинг ҳаётбахш қудратини тараннум этувчи фольклор асарлар, халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилик анъаналари тикланди.

...Хар йили улуг айём арафасида маҳалламиз аҳли ҳамжиҳатликда сумалак сайлини нишонлар экан, бу жараёнда юртдошларимизнинг меҳнатсеварлик, табиатга муҳаббат, шукроналик каби фазилатлари намоён бўлади. Бундай пайтларда 80 ёшли бобом ва момом шундай кунларга етказганига шукрона айтиб, Наврўз байрами билан боғлиқ воқеаларни эслашди. Собиқ тузум даврида Наврўз очикдан-очик тақиқланган, уни нишонлашга уринганлар миллатчиликда айбланган экан. Уша пайтларда Наврўз бугунгидек умумхалқ байрами сифатида нишонланишини, ҳатто, ҳаёлга ҳам келтириб бўлмаган. Ҳа, фақат мустақиллик туфайли бетакрор байрамимиз аслига қайтди, халқимиз қалбидан янада чуқур жой олди.

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Партия сайловолди тарғиботининг самараси кўп жаҳатдан бошланғич партия ташкилотларининг қай даражада ишлаганига боғлиқ. Айниқса, имзо тўплаш жараёнлари, номзодлар ва ишончли вакилларнинг сайловолди учрашувларини ташкил этиш бу ташкилотлардан алоҳида фаоллики талаб этади.

29 мартга санокли кунлар қолар экан, Президент сайловида қуйи бўғин ташкилотларининг тайёргарлиги ҳар бир партиядошимизни қизиқтириши табиий. Бугунги давра суҳбатда олдимизда турган муҳим сиёсий сингига муайян тайёргарлик билан етиб келган бошланғич партия ташкилотлари фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Манзура ИБОДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон темир йўллари” ДАК Урганч бекати темир йўл шифохонасидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Тиббиёт ходимларидан иборат бошланғич партия ташкилотимиз партия мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилишда фаоллик кўрсатиб келаётимиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзМТДПдан номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастуридан ўрин олган озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашни янада кучайтиришга қаратилган мақсад-вазифаларни содда тилда, жонли мулоқот тарзида аҳолига тушултирляимиз. Бунда, айниқса, овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш гоёси аҳоли саломатлигини тиклашда гоёт муҳим аҳамиятга эга эканига эътибор қаратилмоқда.

Сайловолди дастурда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва халқроқ йўналишларда номзод зиммасига қўйилган вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар, Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилгани бошланғич партия ташкилотимиз аъзолари томонидан эътироф этилмоқда. Сайловолди дастурдаги миллий тикланиш гоёсини амалга оширишда тарихин ўрганишга эътибор қаратилгани кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш юзасидан белгиланган қатор устувор вазифалар Ватанимиз эртанги куни ва нурли келажаги учун хизмат қилишига ишонимиз. Бошланғич партия ташкилотимиз аъзоларининг сиё-

Партия ҳаёти

шер Навоий каби улуг мутафаккирларимиз асарларида келтирилган қимматли маълумотлар юртимизда Наврўз байрами 3 минг йилдан зиёд муқаддам ҳам нишонланганидан дарак беради. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Наврўз “бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишдан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашдан мевалар етилгунча ва ўсимлик униб чиқгунча давом этган вақтда кириб келади. Шунинг учун Наврўз йил бошланишидан дарак берган”. Бундан англанишлардаки, Наврўз бир кун — 21 мартдагина нишонланганидан байрам эмас, балки 40 кунгача давом этадиган умумхалқ шодиёнаси, баҳор ва меҳнат айёмидир. Наврўз “қозон тўлдир” маросимидан бошланиб, сумалак, “келин кўрди”, лолла ва бой-чечак сайиллари, бир-биридан чиройли анъана ва удумлар апрель ойининг охири ва ҳатто майнинг ўрталаригача давом этган.

Маълумки, ўрта асрларда мамлакатимизнинг турли жойларида Наврўз сайиллари ўзига хос усулларда уюштирилган. Уни нишонлаш вақти уч кундан 15 кунгача қўзилган. Масалан, Хоразмда Наврўздан олдин жойларда махсус йиғин бўлиб, унда байрам раисини тайинланган. Бундай йиғинларда тантана, томоша ва сайилларни ўтказиш тартиблари ҳақида сўз борган. Бутун халқ ўйин-кулги, ҳушчаққалиқ билан ҳордиқ чиқариш учун барча юмуш ва тадбирларни ўзаро келишилган ҳолда режалаштириб олишган. Бободехқонлар эса қачон ер ҳайдаб, уруғ қадаш, сугориш ҳақида келишиб, кенгашиб, режалар тузишган.

Наврўз — халқимизнинг минг йилликлар билан бўйлашган миллий маънавий қадрияти. Уни ёъозлаш халқни ёъозлашга тенг. Боиси Наврўз баҳонасида халқимизга хос миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз инсонлар ҳаётида ўз аксини топади. Биргина сумалак сайлини олсак, бу Наврўз таомини тайёрлаш баҳонасида кўплаб қадимий урф-одатларимиз, миллий ўйин ва томошаларимиз намоён бўлади. Энг аввало, дошқозон бошида турган момоларимиз эзгу ниятлар билан дуо қилишди, эл-юртга, оила-ларга файз-барокат, тинчлик-хотиржамлик, бободехқонлар хирмонига барака, бекфарзандларга фарзанд тилайдилар. Сумалак пишгунча фақат эзгу орзу-ниятлар билан айтилади, халқ лапарлари, куй-қўшиқлари куйланади. Дошқозон ичидagi ҳар бир тош ўзидан минг-минг орзу-ниятларни жамлаб сумалакни етилтиради. Бу қархотон қишдан кўклагга етган халқнинг шукронасидир.

Ушбу муҳаббатнинг яна бир эътиборли томони шундаки, бу эзгу қадрият баҳорнинг илк кунларида ўтказиладиган ҳашарларда ҳам яққол намоён бўлади. Унда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимиз ободлигини ва халқимиз фаровонлигини ҳисса қўлишга интилади. Маҳаллар ва турар жойлар, муқаддас зиёратгоҳлар тартибга келтирилиди, кўча ва хиёбонларга мевали, манзарали кўчатлар, турфа гуллар экилади. Ҳашар миллати, ирқи, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, юртдошларимиз ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Янгиланиш ва яшариш айёми нафақат юртдошларимиз ардоғида, балки жаҳон ҳамжамиятининг ҳамдиққат-эътиборини тоғиб, уни халқроқ миқёсда кенг нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқ-

да. Жумладан, 2010 йил 23 февралда БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан 21 март — Халқроқ Наврўз кун деб эълон қилинди. Қабул қилинган резолюцияда мазкур байрам маданиятлараро мулоқот, бағрикенглик ва ўзаро тушунишни рағбатлантириши таъкидланди. Шу тариқа Наврўз бирор бир миллат ёки маданиятнинг байрами сифатида эмас, балки бутун инсоният меросининг бир қисми сифатида нишонланмоқда. Энди сайёрамизда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон халқроқ байрамнинг тўлақонли иштирокчисига айланидиган бўлди.

— Кўклам айёми билан боғлиқ бу каби азалий қадрият, анъана ва урф-одатларимиздан хабардор бўлар эканмиз, Наврўз халқимизнинг минг йиллардан буён асраб-авайлаб келаётган муқаддас байрами эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девончи бўлим бошлиғи Ханифа Зокирова. — Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлашни ўзининг бош мақсади деб билган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари томонидан қўлланган алоҳида ўрин тутувчи кураш, кўпқари, арқон тортиш каби халқ ўйинларининг аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу муҳаббатнинг яна бир эътиборли томони шундаки, бу эзгу қадрият баҳорнинг илк кунларида ўтказиладиган ҳашарларда ҳам яққол намоён бўлади. Унда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимиз ободлигини ва халқимиз фаровонлигини ҳисса қўлишга интилади. Маҳаллар ва турар жойлар, муқаддас зиёратгоҳлар тартибга келтирилиди, кўча ва хиёбонларга мевали, манзарали кўчатлар, турфа гуллар экилади. Ҳашар миллати, ирқи, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, юртдошларимиз ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Янгиланиш ва яшариш айёми нафақат юртдошларимиз ардоғида, балки жаҳон ҳамжамиятининг ҳамдиққат-эътиборини тоғиб, уни халқроқ миқёсда кенг нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқ-

да ва бўлажак сайловда партияимиздан кўрсатилган номзодга овоз беришга ундаши, шубҳасиз.

Барнохон ГАНИЕВА,
Андихон вилояти Жалақудуқ тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Бошланғич партия ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўрди. Қуйи бўғин аъзолари партияимиздан Президентликка номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастури билан яқиндан танишиб чиқдилар. Номзоднинг етти йўналишдан иборат сайловолди дастури уларда қизиқчи уйғотди. Дастурда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизнинг халқроқ майдондаги имижини ошириш устувор вазифалар сифатида белгилангани кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Шунингдек, сайловолди дастурдаги ахборот соҳасидаги вазифалар ҳам ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Номзоднинг сайловолди дастуридаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамгаси остидаги маҳсулотлар нуфузини ошириш, тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божона имтиёзларини беришга қаратилган мақсад-вазифалар мамлакатимизда қўшимча иш ўринларининг кўпайишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ошишига хизмат қиладди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури муҳокама қилиш, унинг мазмун-моҳиятини БПТ аъзоларига кенгроқ тушултириш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этмоқдамиз. Фаол, қизгин ва жонли мулоқот руҳида ўтган “Имзо тўплаш — сайлов кампаниясининг муҳим босқичи”, “Сайловларда фуқароларнинг фаолияти”, “Бошланғич партия ташкилотларининг сайловдаги иштироки” каби мавзулардаги тадбирларимиз нафақат номзоднинг сайловолди дастури оммалашшига, балки партияимиз сафининг янада кенгайишига ҳам хизмат қиладди.

Ҳасан САЛОМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Президент сайлови

юртимиз келажаги ва тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили

НАМАНГАН

Жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП Норин туман кенгаши “Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда сайловларнинг жамиятни янада либераллаштириш ва демократлаштиришдаги роли ва аҳамияти, хотин-қизларнинг сайлов жараёнидаги фаоллигини ошириш хусусида сўз борди. Шунингдек, хотин-қизларни ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига кенгроқ жалб этиш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш ишларини изчил олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини аёлларга кенгроқ тушултириш, қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида уларнинг иштирокини кучайтириш, партия гуруҳларининг хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларни халқ депутатлари маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқиши билан узвий боғлиқ.

Давра суҳбати иштирокчилари ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури билан яқиндан таништирилди.

ФАРҒОНА

Сайлов — мамлакатимиздаги ислохотларнинг юксалиш мезони, юрт келажаги ва фаровонлигининг гаровидир. Шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида ҳар бир фуқаро ўзи танлаган муносиб номзодга овоз беради. Бунинг учун эса фуқаролардан сиёсий фаоллик ва ҳуқуқий саводхонлик, сиёсий партиялар кўрсатган номзодларнинг илгари сураётган дастур ва гоёлари билан яқиндан танишиш талаб этилади.

Навқирон авлод вакилларини сайлов қонунчилиги ҳамда ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури билан таништириш мақсадида ЎзМТДП Ёзёвон туман кенгаши ўтказган “Сайлов ва ёшлар” мавзусидаги тадбирда ана шулар ҳақида фикрлашилди. Таъкидланганидек, аҳоли фаровонлиги, юртимиз келажаги ва тақдирини йўлида чин дилдан қайғурадиган, ҳаётини тақдир ва ташаббусларни илгари сурадиган энг муносиб номзодни танлаш ва унга овоз бериш катта масъулият талаб этади. Сайловда фаол иштирок этиш мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги учун муҳим ҳиссадир. Модомики шундай экан, ўз тақдирини мамлакат тақдирига чамбарчас боғлаган ёшларимиз Президент сайловида фаол иштирок этиши лозим.

СИРДАРЁ

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” “Биз ёшлар “оммавий маданият” ва мафқуравий таҳдидларга қаршимиз!” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда халқимизга ёт бўлган “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олишда интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш ҳақида фикрлашилди. Айни пайтда мамлакатимизда ўн миллиондан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланмоқда. Уларнинг асосий қисми эса ёшлардир. Тадбирда “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган салбий таъсирларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш, бу борада маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти ва ташаббусларини ошириш, бошланғич партия ташкилотлари, “Ёшлар қаноти” етакчилари билан ҳамкорликни кучайтириш, тарғибот тадбирлари сони ва сифатини янада ошириш мақсада мувофиқлиги қайд этилди.

ЎзМТДПдан Президентликка номзоднинг сайловолди дастуридаги “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг аҳамияти, миллий қадриятларни тарғиб қилувчи кўрсатувлар, эшиттиришлар ва ахборотларни кўпайтириш, ёшларни қизиқтирадиган мавзуларни кенгроқ ёритиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

САМАРҚАНД

Партиянинг хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларини, маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ишларидаги фаоллигини оширишга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП Қўшработ туман кенгаши “Аёлни улуглаш — оилани, Ватанини, ҳаётини улуглаш” мавзусида тадбир ўтказди. Таъкидланганидек, хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор боис бугун юртимизнинг барча жаҳасида фаолият юритаётган иқтидорли ва салоҳиятли аёлларимиз меҳнати муносиб баҳо-ланмоқда. Миллий хунармандчилик ҳамда оилавий тадбиркорликка кенг йўл очилиб, бу йўналишларда фаолият олиб бораётган ёхуд энди фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Тадбирда ЎзМТДПнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан аниқ тақлифлар, тадбирлар режаси, дастурлар ва уларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган механизмлар ишлаб чиқилди.

ҚАШҚАДАРЁ

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларнинг ватанпарвар, халқига садоқатли қомил инсонлар бўлиб улғайишида Наврўз байрами билан боғлиқ миллий қадрият ва удумларнинг ўрни беқиёс. Шу боис бу айём ота-боболаримиздан мерос қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. ЎзМТДП Қасби туман кенгаши ўтказган “Наврўз — боқий байрам” мавзусидаги тадбирда ана шулар хусусида фикр юритилди.

— Халқимиз бир неча минг йиллик тарихга эга Наврўз байрамини шарқона янги йил сифатида кенг нишонлаб келмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси А.Холмирзаева. — Инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро уйғунлик, деҳқончилик мавсумининг бошланиши Наврўз шодиёналарида ўз ифодасини тоғган. Шунинг учун ҳам асрлар оша бу байрам боқий қадрият, миллий маросим сифатида ашаб келмоқда. Наврўз айёмига бағишланган бу каби тадбирлар миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат тўйғусини шакллантириш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, келажак авлодга етказиш сингари партия дастурий мақсад-вазифалари билан уйғун ва ҳамохангдир.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши “Наврўз — миллий қадриятларимиз бешиги” мавзусида тадбир ўтказди.

Наврўз миллийлигини, урф-одатларимизни тарғиб қилувчи қадимий байрамимиздир. Бу байрамнинг ўзига хос жиҳати — кўпни кўрган кексалар ёш авлод вакилларига бой миллий меросимиз, қадимий анъаналаримизни танитади, уларнинг ўзига хос сирасорини ўргатишдан чарчамайди. Улоқ, кўпқари сингари халқ ўйинларида белида белбоғи борлар майдонга тушса, гўзал қизлар момолардан мерос миллий либони, айтишга, келин салому алларини маромига етказиб ижро этишади.

Тадбирда инсонлар қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик сингари олижаноб туйғуларини уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтиради Наврўз айёмининг ўрни беқиёс экани таъкидланди. Зеро, бундай тадбирлар кўп асрлик анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга кўмаклашишга интилаётган ЎзМТДПнинг мақсад-вазифалари ижросида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

© Банк хизмати

Qishloq Qurilish Bank:

сармоялар тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга
йўналтирилмоқда

Бугун мамлакатимизда иқтисодий янада эркинлаштириш, банк-молия тизимини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошмоқда.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уюлганда қулай шарт-шароитлар яратишга, юртимизнинг чекка ҳудудларида ишбилармонлик муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

МАХСУЛОТЛАРИМИЗ
ТУРИ КЕНГАЙМОҚДА

2014 йилда "Ага милк плюс" масъулияти чекланган жамият фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилдик. Сир эмаски, ҳозирда сифатли, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Давр талабидан келиб чиқиб, биз ҳам замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишга қарор қилдик. Бизнес-режамиз билан "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиалига мурожаат этганимизда, банк бизнес лойиҳамизни қўриб чиқиб, қисқа фурсатда сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун замонавий технология сотиб олишга 520 миллион сўм ажратди. Замонавий технологияларнинг ишга туширилиши натижасида корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури тўққизтага етди. Энг муҳими эса 7 нафар коллеж битирувчиси доимий иш билан таъминланди. Ҳозирда корхонамизда сут ва сут маҳсулотларини буюртма асосида етказиб бериш йўлга қўйилган.

Келажакда корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ниятимиз бор. Албатта, ушбу эзгу ниятларимизни амалга оширишда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий кўмагига суянамыз.

Элмурод ҚАЮМОВ,
"Ага милк плюс" МЧЖ раҳбари

КОРХОНАМИЗ ПУЛ
АЙЛАНМАСИ ИККИ
БАРАВАР ОРТДИ

Бизнинг "Нонвоен" масъулияти чек-

ланган жамияти 2013 йилда ташкил қилинган. Асосан нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб берамиз. АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Бухоро минтақавий филиали билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз натижасида кам бўлмадик. Моддий аҳолимиз анча яхшиланди.

2014 йилда фаолиятимизни ривожлантириш ҳамда моддий-техник базамизни яхшилаш мақсадида бизнес-лойиҳа ишлаб чиқдик. Амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз юзасидан тайёрланган лойиҳа ҳамда бошқа зарур ҳужжатлар АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Бухоро минтақавий филиали ходимлари томонидан қўриб чиқилди. Лойиҳа қисқа муддатда маъқулланиб, бизга 80 миллион сўм кредит ажратилди. Мазкур маблағ ҳисобига хориждан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуналар харид қилдик. Босқичма-босқич ишга туширилган ускуналар ёрдамида кунига бир ярим мингдан ортиқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Банк кредитидан фойдаланганимиздан сўнг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизга талаб ортди. Ўз навбатида жамиятнинг пул маблағлари айланмаси икки баравар ўсди. Ҳозирда жамиятда 12 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

Мен каби тадбиркорлар бугун иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи бўлиши ва бу ишда банклар бизнинг энг яқин ҳамкоримиз бўлиб қолишига ишонаман.

Лазиз КАРАЕВ,
"Нонвоен" МЧЖ директори

100 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ
ОЛИБ, МАХСУЛОТ ҲАЖМИНИ
ОШИРДИК

Асосий фаолиятимиз ёғочни қайта ишлашдан иборат. Жамиятимиз иш бошлагандан бери АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Марғилон филиалининг доимий мижозимиз. Банда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиорига амал қилинади. Ҳеч бир сўровимиз банк томонидан жавобсиз қолмайди.

Ўтган йил жамият фаолиятини кенгайтиришни, қўшимча иш ўрни яратиб, қисқа вақт сарфлаб иш Ҳажмини оширишни ният қилдик. Ариза билан доимий ҳамкоримиз бўлган "Қишлоқ қурилиш банк"ка мурожаат қилдик. Тақдим этилган бизнес-лойиҳамиз маъқулланди: 100 миллион сўм миқдорида кредит олишга эришдик. Кредит маблағи эвазига қўзда тутилган барча режаларни амалга оширдик. Ҳозирда жамиятда 6

нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Давлатимизнинг биз каби тадбиркорларга қаратаётган эътиборига жавобан бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилиш, банк билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш эвазига касб-хунар коллежлари битирувчилари учун доимий иш ўринлари яратишга ҳаракат қиламиз. Зеро, бизнинг озод ва обод юртимизда ҳалол меҳнат қилиб, Ватан равақига ҳисса қўшган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

Орифжон ТЕШАБОВЕВ,
"Муродил Осие" МЧЖ раҳбари

ЯНАДА ФАОЛ
ИШЛАШИМИЗГА
ИМКОНЯТ

Ёшлигимдан отам сингари эл қорига ярайдиган меҳнаткаш инсон бўлишни, хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланишни орзу қилардим. Бу орзуимга етишимда менга "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий маблағи катта ёрдам берди. 2014 йил "Nukus Cleaning Servis" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилдим. Корхонанинг асосий фаолияти устки кийим-кечакларни кимёвий тозалашдан иборат. Мен яшаб турган ҳудудда бу фаолият турига эҳтиёж катта. Шуни инобатга олиб, ўзимизда мавжуд имкониятдан фойдаланган ҳолда ишни бошладик. Бирок, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда замонавий технологияга эҳтиёж сезилаётганди. Шунда банкдан кредит олиб, жамият фаолиятини ривожлантириш ва уни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш фикри туғилди.

Менга АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали томонидан тақлиф этилаётган банк хизматлари ва кредит фоииз ставкалари маъқул келди. Банк ажратган 80 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи жамиятнинг янада фаолроқ ишлашига имконият яратди. Муҳими, жамиятда меҳнат қилаётганлар сони 5 нафарга етди. Айтиш жоизки, банк томонидан ажратилган кредит эвазига жамиятнинг бугунги кундаги даромади сезиларли даражада ошди. Бу эса банкка кредит ўз муддатида қайтарилишини таъминламоқда.

Умир АЛЛАМУРАТОВ,
"Nukus Cleaning Servis" МЧЖ
раҳбари

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири
("Қишлоқ қурилиш банк"
материаллари асосида
тайёрланди)

Хизматлар лицензияланган


НАВОИЙ ШАҲАР 2-УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБИ ЖАМОАСИ

Барчани тинчлик, омонлик, аҳиллик байрами —

Наврўз

билан қутлайди.

Юртимизда Наврўз шодиёналари бошланиб,
баҳорий кайфият ҳукм сураётган ушбу
шукуҳли кунларда
сизларга соғлик-омонлик,
дилингиздаги барча
эзгу ниятларингиз
ижобат бўлишини
тилаймиз.



ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ВА ОБОДЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИНИ!


"САМАРҚАНД ШАҲАРГАЗ" ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни ободлик,
орасталик, меҳр-оқибат,
хайру саховат айёми —

Наврўзи олам

билан самимий қутлайди.

Буюк келажак сари интилаётган
халқимизнинг истиқболи
порлоқ бўлаверсин!



БАЙРАМ МУБОРАК!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ
САҚЛАШ ВАЗИРАЛИГИГА ҚАРАШЛИ ОНКОЛОГИЯ
ДИСПАНСЕРИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳлини эзгулик
тантанаси мужассам айём, шарқона
йилбоши ҳисобланган —

Наврўз

билан муборакбод этади.

БУ ЙИЛ ХАЛҚИМИЗГА ЯНГИ-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР,
БАХТ ВА ФАРОВОНЛИК ОЛИБ КЕЛСИН!



“Уз-Тонг Хонг Ко” қўшма корхонаси жамоаси

Жонажон диёримиз аҳли ва барча
меҳмонларини баҳор фаслининг гўзал айёми,
умумхалқ байрами —

Наврўз

билан чин дилдан муборакбод этади.



Баҳор барча хонадонларга
олам-олам қувонч,
бахт ва омад келтирсин.
ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



“Ўзгеобурғнефтьгаз” АКга қарашли “Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ жамоаси

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини
меҳр-мурувват, янгиланиш ва яшариш,
шоду хуррамлик рамзи бўлган, халқимизнинг умрбоқий
анъана ҳамда удумларини муҳассамлаштирган

Наврўз байрами

билан қутлайди.



НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЎП ТАРМОҚЛИ ТИВБИЁТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Азиз ватандошлар! Халқимизнинг миллий
ва маънавий оламининг буюк кўзгуси ва ҳаётини
ифодаси бўлган бетақрор ва шукӯҳли —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

барчамизга муборак бўлсин.

Уйғониш ва яшариш тимсоли бўлмиш бу буюк айём
юртимизга, халқимизга кўндан кўн эзгуликлар олиб келсин!



“Ипотека банк” АТИБ Самарқанд вилоят филиали жамоаси

Жонажон диёримиз аҳли ва барча мижозларини
дилбар фаслнинг гўзал айёми, асл миллий, шарқона
янги йил дебوحаси бўлмиш

Наврўз

билан чин дилдан
муборакбод этади.

Ўзбекистонимиз равнақи йўлидаги
меҳнатингизда улкан зафарлар тилаб қоламиз.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АХМЕДОВ,
Сувон НАЖИДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ,
Акмал САИДОВ, Жалолддин САФОВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Исмаил ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари
фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот
бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 325, Адади — 13135. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Зафар МУХАММАД
Навбатчи: Умида УЗОҚОВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.40.
ISSN 2010-7714